



## КЎЗИҚОРИН ТОКСИНЛАРИНИНГ ОДАМ ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ.

Г.Ф.Бобожанова., А.А.Ражапов., Р.Х.Каримов.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

Маъмун университети.

**Мавзунинг долзарблиги:** Сўнгги йилларда республикада табиий кўзиқоринларни еб захарланиш ҳолатлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу ҳолатлар, айниқса, қишлоқ аҳолиси орасида кузатилмоқда. Кўзиқорин токсинларининг инсон организмига таъсири кўп органли шикастланиш — **гепатотоксик, нефротоксик, нейротоксик ва кардиотоксик** ҳолатлар билан кечади. Морфологик жиҳатдан бу токсинлар хужайра даражасида дистрофия, некроз, шиш ва васкуляр бузилишларни келтириб чиқаради. Шу боис ушбу мавзу тиббиёт амалиётида ҳам, суд-тиббий ва патологик анатомия соҳаларида ҳам катта аҳамиятга эга.

**Ишнинг мақсади:** ишнинг мақсади сифатида кўзиқорин токсинларининг инсон организмидаги асосий таъсир механизмларини, уларнинг ички органларда чақирган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш.

Олинган натижалар: изланишлар давомида кўзиқорин токсинлари таъсирида **жигарда** кўзиқорин токсинлари, айниқса  $\alpha$ -аманитин ва фаллоидин, жигар хужайраларида оксил синтезини тўхтатиб, гепатоцитларда дистрофик ва некротик ўзгаришлар чақирди. Гистологик кўринишда: вакуоляр дистрофия, гепатоцит некрози, синусоидларда стаз, марказий вена атрофида қон қуйилишлар кузатилди. Электрон микроскопда: митохондрия мембраналарининг парчаланиши, ядро хроматинининг конденсацияси қайд этилди. Бу ўзгаришлар клиник жиҳатдан **ўткир гепатонекроз ва жигар етишмовчилиги** билан намоён бўлади. **Буйракда** орелланин ва охратоксин таъсирида буйрак найчалари эпителийсида дистрофия ва некроз жараёнлари аниқланди. Гломерулаларда фильтрация қобиляти пасайган, тубулаларда шиш ва вакуоляр деградация. Кейинчалик нефросклероз ва интерстициал фиброз ривожланиши кузатилади. Бу ҳолат **токсик нефропатия** деб баҳоланади. **Юракда** фаллоидин ва амантин таъсирида миокард хужайраларида вакуоляр дистрофия, фокал некроз ва интерстициал шиш кузатилди. Капиллярларда стаз ва плазморрагия белгилари мавжуд. АТФаза фаоллиги пасайиши энергетик етишмовчиликни кўрсатади. Бу ўзгаришлар клиник жиҳатдан **токсик миокардит ва аритмиялар** билан кечди. **Асаб тизимида** мушмол ва иботен кислотаси таъсирида нейронларда хроматолиз, ядро деградацияси ва аксонлар парчаланиши қайд этилди. Гистологик жиҳатдан нейрон шишиши, глиоз, микроглия реакция кузатилди. Бу **нейротоксик энцефалопатия**нинг морфологик



асосини ташкил қилади. **Овқат ҳазм қилиш тизимида**, шиллик пардада эрозия, яллиғланиш ва қон қуйилишлар; энтероцитларда гидропик дистрофия кузатилди.

**Хулосалар:** хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олинган маълумотлар кўзиқорин токсинлари инсон организмда кўп органли шикастланиш келтириб чиқарди. Асосий таъсир нуқталари — жигар, буйрак, юрак ва марказий асаб тизими ҳисобланди. Морфологик жиҳатдан дистрофия, некроз, қон қуйилиш ва интерстициал шиш билан тавсифланди. Энергетик ферментлар фаоллигининг пасайиши токсинларнинг митохондрия фаолиятига таъсирини кўрсатди. Эрта ташхис ва детоксикация чоралари ҳаётни сақлаб қолишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Kuryazov, A., Palvanov, M., Radjapov, A., & Karimov, R. (2024, August). MORPHOLOGY OF THE HEART IN PATIENTS WITH TUBERCULOSIS. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC INNOVATION RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 6, pp. 3-8).
2. Khasanovich, K. R., Davlatbaevich, R. M., & Anvarbekovich, R. A. (2024, August). MORPHOLOGY OF BRAIN TISSUE IN INTOXICATION PSYCHOSIS. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE* (Vol. 1, No. 8, pp. 34-40).
3. Khasanovich, K. R., Davlatbaevich, R. M., & Anvarbekovich, R. A. (2024, August). MORPHOLOGY AND HISTOCHEMICAL CHARACTERISTICS OF BRAIN TISSUE IN ACUTE INTOXICATION PSYCHOSIS. In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION* (Vol. 1, No. 7, pp. 49-54).
4. Quryazov, A., Palvanov, M., Radjapov, A., & Karimov, R. (2024, August). MORPHOLOGY OF THE HEART IN DIFFERENT FORMS OF TUBERCULOSIS. In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 2, No. 8, pp. 26-30).